



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда гидрометеорология хизматини ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва аҳолини гидрометеорология маълумотлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Хозирги вақтда миллий гидрометеорология хизмати 330 дан ортиқ гидрометеорологик кузатувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланиш мониторингини олиб борувчи пунктлари бирлаштириб, улар ёрдамида 240 турдан ортиқ прогностик, сунъий йўлдошлардан олинadиган, тахлилий, иқтисодлаштирилган ва маълумотнома тусидаги гидрометеорологик махсусотлар тайёрланиши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, сув ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, шахарсозлик, sanoat, транспорт ва туризм каби об-ҳавога боғлиқ иқтисодий тармоқларининг барқарор ривожланиши ва фаолият кўрсатишига қўмаклашувчи гидрометеорологик хизматлар сифати ва маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишига салбий таъсир этувчи қатор муаммолар мавжудлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Хусусан, гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тизимлаштирилмаганлиги, гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг узоқ мuddатли концепцияси мавжуд эмаслиги, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот фаолияти замонавий талабларга жавоб бермаслиги, гидрометеорологик кузатув тармоғининг ривожланмаганлиги, шунингдек, бошқарув ва прогностлар тайёрлаш жараёнларининг ортиқча марказлаштирилганлиги, ходимлар етарли даражада моддий рағбатлантирилмаётганлиги юқланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминламайaptи.

Иқтисодий тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик ва иқлимий маълумотлар билан таъминлаш ва мониторинг юритиш тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, гидрометеорологик ахборотни олиш, тўплаш ва тарқатишда замонавий ахборот ҳамда сунъий йўлдош технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
  - а) 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;
  - б) 2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ;
  - в) Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази кузатув тармоғини кенгайтириш ва автоматлаштириш бўйича дастур (кейинги ўринларда — Дастур) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Дастур 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда — Ўзгидромет) учун назарда тутилган Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.
3. Ўзгидромет Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзгидромет Марказий Осиё давлатлари учун Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий иқтисодлаштирилган метеорология маркази, шунингдек, Жаҳон метеорология ташкилоти Жаҳон об-ҳаво хизматининг гидрометеорологик маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва тарқатиш бўйича Минтақавий телекоммуникация маркази функцияларини бажариши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзгидромет ҳузуридаги “Метеоинфосистем” ахборот-техник бошқармаси негизда “Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда — Метеоинфоком) ташкил этилсин.

Белгилансинки: Метеоинфоком ходимларига Ўзгидромет ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби қўлланилади;

Метеоинфокомни жорий сақлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимлари меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети, шунингдек, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Фавқулодда вазиятлар вазири, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ва Ўзгидрометнинг Тошкент гидрометеорология коллежи негизда Тошкент гидрометеорология техникумини (кейинги ўринларда — Техникум) ташкил этиш ва уни Ўзгидромет тизимига ўтказиш тўғрисидаги таққилни розилик берилсин.

Техникум гидрометеорология соҳасида ўрта бўгин мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича базавий ўқув муассасаси, метеорология, гидрология, гидрометеорологияда алоқа ва коммуникациялар соҳасида касб-хунар таълими бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун маъсул этиб белгилансин.

Белгилансинки: Техникумда кадрлар тайёрлаш давлат буюртмаси ва тўлов-шартнома асосида амалга оширилади;

Техникумнинг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Техникум Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий ўқув маркази функцияларини бажариши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Фавқулодда вазиятлар вазири, Мудофаа вазири, Қишлоқ хўжалиги вазири ва Ўзгидрометда гидрометеорология, хавфли гидрометеорологик ҳодисалардан огоҳлантириш ва уларнинг олдини олиш, авиацияга метеорологик хизмат курсатиш ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини соҳасида фаолият юритувчи ходимларнинг Тошкент гидрометеорология техникумида дастур асосида малакасини ошириш тартиби жорий этилсин.

Мазкур банд ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазири (Т.А.Худайбергенов), Мудофаа вазири (Б.Н.Қурбонов), Қишлоқ хўжалиги вазири (Ж.А.Ходжаев) бир ой мuddатда ходимларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Давоми 2-бетда

## Сайёр қабул

Бугун ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олаётган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойил аҳолини қийнаётган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишига, одамларнинг турмуш шароити яхшиланишига хизмат қилмоқда. Бу борада эса жойларда ташкил этилаётган оммавий сайёр қабулларнинг аҳамияти катта бўляпти.

## ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР



Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Алишер Усманов, Президент Администрацияси масъуллари, Халқ қабулхоналари, вазириликлар, қўмиталар, идоралар, секторлар раҳбарлари Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган сайёр қабулларда бир қанча муаммоларни жойида ҳал қилди. Қабуллар Самарқанд шаҳри ҳамда Самарқанд, Пастдарғом ва Нуробод туманлари аҳолиси учун Самарқанд туманида, Каттакўрғон шаҳри, Каттакўрғон, Нарпай ва Пахтачи туманлари аҳолиси учун Каттакўрғон шаҳрида, Оқдарё, Иштихон, Пайариқ

ва Қўшработ туманлари аҳолиси учун Пайариқ туманида, Тойлоқ, Ургут, Жомбой ва Булунғур туманлари аҳолиси учун Тойлоқ туманида ташкил этилди. Каттакўрғон шаҳрида бўлиб ўтган сайёр қабулда Нарпай, Пахтачи ва Каттакўрғон туманидан келган 300 га яқин фуқаронинг муурожаатлари ўрганилди. Урганишлар давомида фуқароларнинг ишга жойлашиш, таълим, соғлиқни сақлаш, суд, кредит олиш ва бошқа бир қатор масалалардаги муурожаатлари жойида ҳал этилди. Президент Администрациясининг сайёр қабуллар ўтказиш ҳақидаги

топшириғига асосан Олий суд раиси ўринбосари И.Муслимов ва Олий суд судьялари томонидан 2020 йил 11 ноябрь куни Каттакўрғон шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган сайёр қабулда жами 89 нафар фуқаро қабул қилинди. Уларнинг 32 нафари жиноят ишлари бўйича, 29 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 27 нафари маъмурий ишлар бўйича ва 1 таси иқтисодий ишлар бўйича судларга муурожаат қилишган.

Давоми 3-бетда

## Қулайлик



## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ — КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ВА ШАРОИТЛАР МАКОНИ

Сўнги йилларда воҳа иқтисодий-ижтимоий ҳаётини рўй берган бекиёс ўзгаришлар, шаҳар қишлоқларда барпо этилган муҳташам бинолар, ҳудуд аҳлининг турли соҳаларда қўлга киритаётган улкан муваффақиятлари яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар самарасидир.

Қарши шаҳрида фойдаланишга топширилган Давлат хизматлари марказининг янги биноси ҳам аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиши билан аҳамиятлидир. Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида мазкур марказ фаолияти билан танишди.

### ЎН ОЙДА 300 МИНГГА ЯҚИН ХИЗМАТ КЎРСАТИЛДИ

Бу ерда 140 турдаги хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Юқори тезликдаги интернет, замо-

навий техникалар фуқароларга тез, шаффоф ва қулай давлат хизматларини тақдим этишга мўлжалланган. Жорий йил февралда фойдаланишга топширилган ушбу муассасида шу пайтга қадар 300 мингдан зиёд давлат хизмати кўрсатилган. Шундан 2 мингга яқин филиаллар орқали, мингга яқин эса сайёр тарзда амалга оширилди. Марказ биносида Президентнинг Халқ қабулхонаси ва Бош вазир қабулхонаси ҳам жойлашган.

Давоми 3-бетда

## “Янги Ўзбекистон” газетаси учун махсус

### ЖАНУБИЙ КОРЕЯ КОМПАНИЯСИ «ҚЎҚОН СИТИ» ҲУДУДИДА ЗАМОНАВИЙ КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАРЖОЙ МАЖМУАЛАРИНИ ҚУРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ БЎЙИЧА МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРМОҚДА

Мамлакатимизнинг Жанубий Кореядаги элчихонаси томонидан “Hanshin Engineering & Construction Co., Ltd.” компанияси бош менежери ўринбосари Чой Юн Шик бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилди.



“Hanshin Engineering & Construction Co., Ltd.” компанияси вакиллари, “Plus International” компанияси раиси Ким Тэ У, шунингдек, Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес ассоциациясининг Ўзбекистондаги раҳбари Юн Жонг Сок Қўқон шаҳрига ташриф буюриб, шаҳар ҳокими Маъруф Усмонов билан учрашди. Музокаралар давомида томонлар “Қўқон сити” ҳудудида замонавий кўп қаватли тураржой мажмуалари барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Жанубий Корея вакилларининг 23 ноябрга қадар давом этадиган ташри-

фи мобайнида лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳолатининг биринчи босқичини муҳокама қилиш ва якуний қарорга келиш бўйича маълумотларни тахлилий кўриб чиқиш режалаштирилган. Учрашувда шаҳар ҳокими 2021 йил сентябрь ойида Қўқонда ўтказиладиган Халқаро хунармандчилик фестивали арафасида уй-жой мажмуалари қурилишининг биринчи босқичи якунланишига умид билдирди. Халқаро фестивалда

дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатидан вакиллар иштирок этиши кўтилмоқда. Шунингдек, шаҳар ҳокими Жанубий Корея вакиллари билан лойиҳани амалга ошириш учун Қўқонда барча шарт-шароит яратилганини қайд этди.

Таъкидланишича, ҳозирга қадар 5 мингга яқин оила ушбу лойиҳага қизиқиш билдирмоқда.

«Дунё» АА

## Спорт

### КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

Маҳмуджон БОЛТАБОВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда спорт соҳаси мутахассисларини тайёрлашнинг долзарб масалаларини ҳал этишга давлат сиёсати даражасида қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

6. Вазирлар Маҳкамаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзгидрометнинг "Гидрометприбор" илмий-ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Ўзгидромет тузилмасида: Ўзгидромет ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Бош директорнинг ахборот технологияларини жорий этиш ва инновацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ҳамда Бош директорнинг молия-хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилсин;

8. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб: а) Ўзгидромет ва Метеоинфоком ходимларининг лавозим маошларини ҳисоблашда Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядлари учун белгиланган тариф коэффициентини икки баравар оширилган ҳолда қўлланилсин;

б) Ўзгидромет ва Метеоинфоком ходимларига соҳада узоқ муддат хизмат қилгани учун қуйидаги миқдорда ойлик устама ҳақ тўлансин (белгиланган устамаларни ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

2) 5 йилдан 5 йилгача - 0,2; 5 йилдан 10 йилгача - 0,3; 10 йилдан 15 йилгача - 0,4; 15 йилдан 20 йилгача - 0,5; 20 йилдан 25 йилгача - 0,6; 25 йилдан ортқ - 0,7.

Бунда, соҳада узоқ муддат хизмат қилганлик учун иш ҳақига устама ҳақ олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажини ҳисоблашда Ўзгидромет ва унинг тизим ташкилотларидаги иш стажини инобатта олинади.

Белгилансинки, ушбу бандда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ, шунингдек, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ушбу бандда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришни таъминласин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг иқтисодиёт тармоқларига глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган гидрометеорология фаолияти бўйича илмий лойиҳаларни шакллантириш орқали илмий-тадқиқот ишланмаларини молиялаштиришни таъминласин.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан 2021-2023 йилларда ўтказиладиган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзгидрометнинг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Гидрометеорология факультетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қoшидаги "Эл-юрт умиди" жамғармаси 2021 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Ўзгидрометнинг салоҳиятли ходимларини етакчи хорижий таълим, илмий ва ихтисослаштирилган муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда стажировка ўташини ташкил этсин.

13. Ўзгидромет (Ш.Х.Ҳабибуллаев): а) гидрометеорология соҳасида халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли Конвенцияси ва Париж битими доирасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ярим йилда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бoрсин;

б) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (Ш.М.Қодиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М.Садиқов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) билан биргаликда икки ой муддатда гидрометеорология фаолиятида сунъий йўлдош ва ерни масофадан зондаш технологияларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, гидрометеорологик маълумотлар билан алмашиш учун маълумотлар узатишининг ягона телекоммуникация тармоғини яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикасида авиацияни метеорологик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида халқаро мезърий ҳужжатлар қондали ва талабларини миллий миқёсда амалга ошириш бўйича Жаҳон метеорология ташкилоти ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти билан ҳамкорликни таъминласин;

г) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Россия давлат гидрометеорология университети ва бошқа хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари бўйича гидрометеорология йўналишида кадрлар тайёрлашни ташкил этсин;

д) хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни прогноз қилиш, кузатиш, улар содир бўлиши хавфни юқори бўлган минтақалар ва ҳудудларни аниқлаш, тегишли профилактика тадбирларини амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар беришни таъминласин, шунингдек, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимидаги хизматларга тезкор гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиб бoрсин;

е) қуйидагиларни: уч ой муддатда атроф табиий муҳит мониторинги таҳлил лабораторияларининг моддий-техник жиҳозланганини тубдан яхшилаш, шунингдек, таҳлилларни амалга ошириш учун зарур бўлган кимёвий реактивлар, синов газлари, прекурсорлар ва бошқа сарфлаш материаллари билан уларни таъминлаш бўйича таклифларни; 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 декабрга қадар жорий йил учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини чуқур таҳлил қилган ҳолда Концепцияни амалга ошириш юзасидан келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини; 2021 йил 1 февралга қадар гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига рухсат бериш ва маълумот алмашиш тартибин; 2021 йил 1 мартга қадар халқаро молия институти ва фондларнинг гидрометеорология ва атроф табиий муҳит мониторингини такомиллаштиришга йўналтирилган техник кўмак лойиҳалари дастурини;

"Гидрометеорология фаолияти тўғрисида"ги ва "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган гидрометеоролог" унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ж) Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) билан биргаликда кўёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширишда инвесторларга шартнома асосида метеорологик ва гидрологик маълумотларни тақдим этишни ташкил этсин;

з) Энергетика вазирлигининг буюртмасига биноан, шартномалар асосида, янги кўёш ва шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган ҳудудларда тегишли ўрганиш ва тадқиқотларни амалга оширсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 8-80-иловаларга мувофиқ Ўзгидромет буюртмалари бўйича Дастурда назарда тутилган янги очилаётган гидрометеорология станциялари ва постлари учун ер участкалари (суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари) ажратилишини ҳамда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига бино-иншоотлар қурилишини таъминласин.

15. Ўзгидромет (Ш.Х.Ҳабибуллаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ҳоджаев) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Ҳамраев) билан биргаликда 9-иловага мувофиқ соҳаларга жалб этиладиган халқаро молия ташкилотлари грантлари ҳисобига мавжуд ва янги очилаётган метеорология, гидрология ва агрометеорология станциялари ва постларини автоматик қурилмалар билан жиҳозлашни ҳамда ходимларнинг малакасини оширишни таъминласин.

16. Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси (Н.Ж.Бакиров) Ўзгидромет (Ш.Х.Ҳабибуллаев) ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда гидрометеорологик маълумотлар асосида чулланишининг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва иҳота ўрмонларини кўпайтириш ишларини самарали ташкил этсин.

17. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Ҳамраев) Ўзгидромет (Ш.Х.Ҳабибуллаев) билан биргаликда сув захиралари ва ресурсларини назорат қилиш, сув ресурслари бўйича прогнозлар ишончлилигини ошириш бўйича тезкор гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиб бoришни таъминласин.

18. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

(Ш.М.Садиқов) Ўзгидрометта маълумотларни узатиш ягона корпоратив тизимини ташкил этиш орқали гидрометеорологик ахборот ва сунъий йўлдош маълумотлари ягона телекоммуникация тармоғини яратишни таъминласин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ҳоджаев), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (А.И.Мақсудов), Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) ва Транспорт вазирлигининг (И.Р.Мақмамов) Ўзгидромет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, гидрометеорологик инфратузилмани янгилаш ҳамда соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида ушбу қарорнинг 10-иловасига мувофиқ маблағларни бир ой муддатда кўрсатилган хизматлар учун олдидан тўлов сифатида Ўзгидрометга ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

20. Белгилансинки, Ўзгидромет томонидан кўрсатилётган хизматлар ва маълумотлар шартнома асосида тақдим этилади.

Ўзгидромет Бош директори (Ш.Х.Ҳабибуллаев): Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзгидромет томонидан кўрсатилётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, об-хаво прогнозларининг аниқлигини ошириш ҳамда соҳа инфратузилмасини янгилашга етарлиқ шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўрсатилётган барча хизмат тарифларини тасдиқлаш; гидрометеорология соҳасидаги хорижий илгор тажрибасини татбиқ этиш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари битирувчиларини ва маҳаллий мутахассисларни белгиланган штат бирикларни доирасида шартнома асосида ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Малакали мутахассислар ва Ўзгидромет ўртасида тузилган меҳнат шартномасида белгиланган миқдордаги иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар Ўзгидрометнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда халқаро молия институтининг грант ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

21. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисидаги низомни; Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти тузилмасини;

Тошкент гидрометеорология техникумида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудоффаа вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзгидромет ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш тартибини тасдиқласин;

Ўзгидромет томонидан кўрсатилган хизматлар учун тарифлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

22. Қуйидагилар: а) Бош вазирнинг маслаҳатчиси О.М.Умаров:

мазкур қарорнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, масъул вазирлик ҳамда идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, улар раҳбарларининг қўриқган чоралар ҳақидаги ҳисоботларини айтиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни

тезкор бартараф этишга; "Йўл харитаси" ва Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштиришга;

мазкур қарорда назарда тутилган кўрсаткичларга тўлиқ ва ўз вақтида эришишни таъминлаш юзасидан масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи навбатдаги вазифаларини белгилаб бериш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириб бoришга;

амалга оширилган ишлар бўйича масъулларнинг ҳар ойлик ҳисоботларини эшитиб бoришга; юклатилган вазифалар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан лавозимидан озод этишга чўлган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритиб бoришга;

б) молия вазирлиги Т.А.Ишметов: зарур маблағлар ўз вақтида ажратилиши, манзилли сарфланиши ва тўлиқ ўзлаштирилишига;

бюджетдан қўшимча ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилишга; в) Ўзгидромет бош директори Ш.Х.Ҳабибуллаев:

"Йўл харитаси" ва Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга; гидрометеорология хизматларини кўрсатиш фаолиятига интеллектуал тизимлар, ахборот ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этишга;

гидрометеорология хизматининг технологик инфратузилмасини ривожлантиришга;

г) тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига "Йўл харитаси" ва Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзгидрометнинг ҳудудий бошқармаларини ривожлантириш дастурларини бажаришга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3029-сон қарори 4-бандининг олтинчи хатбошиси ҳамда қарорга 10-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

24. Ўзгидромет манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришни ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бoриш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига оқлансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижadorлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бeриб бoрилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 17 ноябрь

Бандлик

Термиз туманидаги "Қўнғирот" маҳалла фуқаролар йиғинида 2 700 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Лекин иссиқ одамлар жуда кам. Хўш, бунга қандай эришилди?

— Ҳақиқатан ҳам, қишлоқларимизда иссиқлар кам, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омон Мирзаев. — Маҳалламиз ҳудудига яқин "Gold Agro Fresh" МЧЖ иссиқхоналарида юз нафардан зиёд хотин-қиз ва ёш меҳнат қилади. Тадбиркор деҳқонлар эса томорқаларида ҳар хил зироатлар ўстиришда оила аъзоларидан ташқари кўни-қўшнилари ҳам мавсумий ишларга жалб қилиб, даромадга эга бўлишига кўмаклашишяпти.



БИР ҚИШЛОҚДА 260 ТА ИССИҚХОНА

етиштириб келяпти. Жорий йил март ойидан то июнь ойигача иссиқхонадан помидор узиб, 20 миллион сўм фойда кўрди.

Эзда иссиқхона устидаги плёнкалар олиниб, помидорнинг изидан чорва учун озуқабоп экин ўстиришди. Чунки ҳовлининг четидаги бостирмада боқилган уч бош қорамол, 6 бош қўй, 25 бош товуққа ем-хашак керак. Яқинда иссиқхонанинг усти яна плёнка билан қопланди. Помидорнинг серхосил ва тезилар "Бўрон" навли уруғидан тайёрланган 1500 туپ ниҳолни экиб, парвартишмоқда. Томорқанинг қолган қисмида етиштирилган гулқарамдан ҳам 15 миллион сўм даромад топади. Оила аъзолари қиш-ёзим кашинч, шивит, плёз етиштириб, Термиз бозорларини сифатли кўкатлар билан таъминлайди.

Оила бошлиғи Урол Шомуродов, хотини Ойравшан ая, келини Дилфуза, ўғли Акбар ҳамма иссиқхона юмушлари, чорва ва парранда таъмиши билан банд. Меҳнатлари авазига хен нарсаларга зорикмай, фаровон турмуш кечирашяпти. Тўйлар қилишяпти, фарзандларини институтиларда шартнома бўйича ўқитмоқда. Яқинда янги автомашинани харид қилишди.

Қовун қовундан ранг олади деганларидек, маҳаллада Урол Шомуродовга ўхшаб томорқани даромад манбаи деб билаётган оилалар жуда кўп. Бу йил "Агробанк" Учқизил филиали маҳалла аҳолисига кўп кредит ажратди. Банк сармоясига ҳисобига одамлар томорқасида иссиқхона қурапти, қора-

мол, қўй, парранда боқиб, ўзларини-ўзлари қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминламоқда. Бу маҳсулотларнинг ортиқчасини бозорга чиқариб, мўмай даромадли бўлишяпти. Мисол учун, "Ҳар бир оила — тадбиркор!" давлат дастурига асосан Шермухаммад Шомухамматовга "Агробанк" Учқизил филиалидан 30 миллион сўм кредит ажратилди. У бу сармояга 4 бош қорамол харид қилди. Ҳали 25 ёшга тўлмаган Шермухаммад бу жониворларни ҳовлисидаги молхонасига келтириб, ҳар бири ўртача 180-200 килограмм ваэнга эга эди. Май ойидан бери Шермухаммад қорамоларни сифатли озуқа ва омхта ем билан боқаётгани туфайли ёш ҳўкиларнинг этига эт қўшилиб, ҳозир ҳар биттаси 300-320 килограммдан тош босадиган ҳолга келган.

"Агробанк" Учқизил филиалидан 20-30 миллион сўмдан кредит олган Музаффар Шомуродов, Қодир Бекназаров, Муслимбек Шуклолов, Ботир Шомуродов, Нодир Бекназаров, Сирожиқдин Имомов каби ёшлар ҳам ҳовлининг чеккасидаги ёғзи ва қишки бостирмаларда қорамол, қўй боқишяпти, иссиқхона қуриб, эртаги сазавотлар парвартишяпти.

Баҳром Умаров оддий ишчи. Унинг оиласи икки йил аввал ўз сармоялари ҳисобига томорқасининг 3,1 сотихида иссиқхона қуриб, эртаги помидор етиштириш бошлади. Бу йил помидордан мўмай даромадга эга бўлган оила аъзолари тўй қилишди. Яна томорқанинг



уч сотихига иссиқхона қуришни ният қилишган эди, маблагни қаердан олишни ўйлаб бош қотиришди. Кейин эса тўнғич ўғил Уткир Поёнов номига иссиқхона қуриш учун кредит расмийлаштиришди. Банкдагилар "Ҳар бир оила — тадбиркор!" давлат дастурига асосан Уткирнинг номига 20 миллион сўм кредит беришди. Моҳир пайвандчи ва деҳқончилик илминини яхши ўзлаштирган Уткир ажратилган сармояга томорқанинг уч сотихига иссиқхона қурди.

Оила бекаси Муҳаббат Уролованинг айтишича, улар ўтган йил шу вақтда помидор қўчатининг ҳар туپини 1,5 минг сўмдан сотиб олиб экишган экан. Одам қилган ишни одам қилади, деган нақлга амал қилган оилавий деҳқонлар иссиқхоналари 8 сотихга етганини ҳисобга олиб, помидор қўчатини ўзлари етиштиришди.

— Помидорнинг денте нави уруғидан харид қилиб, томорқанинг қанда плёнка остида кўкартирдик, — дейди оила бошлиғи Баҳром Умаров. — Тайёр қўчатларни иссиқхонамизга қўчириб ўтказяямиз. Бу бизга ҳар томонлама арзонга тушяпти. Қўчатнинг бир қисмини уруғ қимай қолган жойларга эксақ, қолганини қўчат сўранларга сотамиз.

Ҳали ёши 25 га ҳам етмаган Лайло Чориеванинг ғайрат-шижоатига тан бермай илжингиз йўқ. Турмуш ўртоғи Маҳмуд ўрзов биронинг енгил машинасини ижарага олиб, қирақашлик билан шуғулланади. У одамларнинг хизматини қилиб толиқади, томорқада ишлашга вақти йўқ. Шунинг учун хотини Лайло Чориева атрофдаги кўни-қўшниларга хавас қилиб, улардан ўрнақ олиб турмуш ўртоғига "Иссиқхона қураман, бунинг учун банкдан кредит оламан" деб қолди. Банкка

ўзи чопди, охири банкдагилар унга ишонди. Лайлога 20 миллион сўм кредит ажратилиб, уч сотихли иссиқхона қуриш учун ҳатто қурувчиларни ҳам топиб беришди.

Албатта, иссиқхона қураман, унда маҳсулот етиштиран деган билан иш битмайди. Помидор етиштириш, мўмай даромад олиш оғизда осон. Лекин қишлоқда ўсган, ёшлқдан меҳнатсеварликка ўрганган Лайло Чориева бу ишни эплади. Чунки ота уйида 7 сотихли иссиқхонада ишлаб чиқиққан, эртаги помидор ва бодринг етиштириш ҳадисини олган эди. Қолаверса, қайноғаси Мурод Урозовнинг хо-надониди турмуш ўртоғи билан яшаганда ҳам Лайло оиланинг 7 сотихли иссиқхонасига қиш-ёзим меҳнат қиларди. Энди ўзининг иссиқхонаси бор. Қанчалик тер тўкиб ишласа, даромади рўзгорига барака бўлади.

Маҳалланинг Ёшлик кўчасида яшовчи Ҳаким Маматов чин маънода удабурон деҳқон. Қишлоқдаги одамларнинг кўпчилиги иссиқхоналарига энди помидор қўчатини эксаётган бир пайтда, Маматовнинг 6 сотихли иссиқхонасидан 2 минг тулдан кўрпoқ булғор қалампирни шигил-шигил ҳосил туғиб турибди. Удабурон деҳқонлар маҳсулотини пешма-пеш бозорга чиқаряпти.

Ҳа, "Қўнғирот" маҳалласи аҳолисининг томорқадан фойдаланиш тажрибасидан ҳар қанча ўрнақ олса арзийди. Бугун юртимизда ишлайман, маҳсулот етиштириб, ўзимни-ўзим таъминлайман, даромад толаман деган кишига барча имкониятлар эшиги очик. Буни "Қўнғирот" маҳалласида амалга оширилаётган ишлардан ҳам билса бўлади.

Сайёр қабул

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Бошланиши 1-бетда

Гулсум ШОДИЕВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири



— Уй-жой масаласидаги низо туфайли кўп бора суд идораларига қилган мурожаатим ҳал бўлмай келарди, — дейди Муҳаббат опа Уроқова. — Бугун қабулда кўп вақтдан бери мени қийнаб келаётган муаммага барҳам берилди. Албатта, бунинг учун барча мутасаддиларга миннатдорчилик билдираман. Ушбу сайёр қабулда мен каби кўплаб фуқароларнинг муаммолари ҳал этилиб, ортиқча оворагарчиликлар, асаббузарликлар, сарф-ҳаражатларнинг олди олинди.

Каттақўрғон шаҳрида ўтган сайёр қабулда фуқароларнинг халқ таълими тизимига, жумладан, ишга жойлаштириш, дарс соатларининг камлиги, мактабларни таъмирлаш ва янгиликни қуришга оид мурожаатларни халқ таълими вазирининг ўринбосари Иброҳим Жўраев қабул қилди. Сайёр қабул доирасида вазир ўринбосари Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидахмад Усмонов билан биргаликда, Каттақўрғон туманидаги 56-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси жисмоний имконияти чекланганлиги боис айни пайтда уйда яқка тартибда таълим олаётган Мустафо Туроповнинг хонадонидан бўлди. И. Жўраев ўқувчи билан дилдан суҳбатлашиб, таълим олиши учун уйда яратилган шароитлар билан танишди, Мустафода ноутбук ҳамда китоблар жамланмаси совға қилинди.

— Ахборот технологияларини чуқур ўзлаштириб, келажакда ушбу йўналишда олий таълим муассасасида ўқиш албатта, соҳанинг билими ҳамда тажрибали эгаси бўлиш ниятим бор, — дейди Мустафо. — Вазир ўринбосари уйимизга келиб, ўқишларим билан танишгани, ноутбук ҳамда китоблар совға қилгани мен учун катта хурсандчилик бўлди. Энди ўзимнинг шахсий ноутбугим борлиги мақсадларимга эришишимга ёрдам беради. Вазир ўринбосари ва барча ҳомиёларга раҳмат!

Дарҳақиқат, Каттақўрғон шаҳридаги сайёр қабул давомида фуқароларнинг мурожаатлари шу жойининг ўзидан ҳал этилди. Мuddат талаб қилинадиган масалалар юзасидан масъулларга топширилди берилди.

Оммавий сайёр қабулнинг навабдаги Пайариқ туманидаги истироҳат боғида ўтказилди.

Зухра Эшонбобоева Пайариқ туманидаги 6-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси. Қалби орзу-умидларга тўла. Шу боис барча фанларни аъло даражада ўзлаштиришга интилади. Айниқса, она тили ва адабиётга қизиқиши баланд. Бадиий китобларни севиб мутолаа қилади.

Зухра тақдир тақозоси билан вужудини қийнаган дард туфайли бугун уйда яқка тартибда таълим-тарбия олишга мажбур. Аммо бу унинг билим олишдан тўхтаб қолишига тўсқинлик қилолмайди. Устозларининг уйга келиб бераётган сабоқларини пухта ўзлаштириб бормоқда.

Пайариқ туманида Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари томонидан ўтказилган сайёр қабул доирасида Зухра яшаётган хонадонга Иброҳим Жўраев ва Саидахмад Усмонов совға-саломлар билан келишди. Зухра Эшонбобоеванинг уйда таълим-тарбия олиши учун яратилган шароитлар билан танишиб, у билан дилдан суҳбатлашди. Зухрага вазир ўринбосари томонидан ноутбук, китоблар жамланмаси ҳамда ўқув қуроллари совға қилинди.

— Хонадонимизга халқ таълими вазирининг ўринбосари, соҳа раҳбарларининг қизимдан ҳол-аҳвол сўраб келгани, унинг ўқиши, келажак билан қизиқгани ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлиб қолади, — дейди Зухранинг онаси кўзида севинч ёшларини тўхтаста олай. — Бу давлатимизнинг, Президентимизнинг битта фарзанд тақдирини мамлакат келажакига дахлдор деб қараётганининг исботи. Биргина ушбу эътибор қизимнинг жуда-жуда қувонтирди. Тезроқ тузаллишига ёрдам бўлди, олдига қўйган катта-катта мақсадларига қанот бағишлади. Эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдоримиз!

Пайариқ туманидаги истироҳат боғида бўлиб ўтган оммавий сайёр қабулда Оқдари, Иштихон, Қўшработ ҳамда Пайариқ туманлари аҳолисининг халқ таълими соҳасига оид мурожаатлари қабул қилиниб, ижобий ҳал этиш бўйича вазир ўринбосари томонидан масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Уруг туманидаги 107-умумтаълим мактабининг 300 ўринли биноси 2017 йилда қурилган. Ўқувчи ва ўқитувчилар учун замонавий бинода кўплаб қўлай шароитлар яратилган. Бироқ мактабда ўқувчиларнинг информатика фанидан билимларини мустаҳкамлаш учун компьютерлар етишмасди...

Тойлоқ туманида Уруг, Жомбой, Булунгур туманлари аҳолиси учун ўтказилган сайёр қабул доирасида халқ таълими вазирининг ўринбосари Иброҳим Жўраев ахборот технологиялари ва коммуникацияларини риволантириш вазирининг ўринбосари Жамол Махсудов

111-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, таълим муассасасида куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари билан танишди. Афсуски, ҳаво совий бошлаган айни кунларда мактабнинг спорт ва фаоллар залини иситишда муаммо борлиги аниқланди. Ушбу муаммо жойида бартараф этилди, мактабга 2 та янги қозон олиб келиб ўрнатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда бўлиб ўтган оммавий қабуллардаги бундай очиқ-ошқора ва жонли мулоқотлар барча соҳа мутасаддиларининг ягона мақсад — халқ розилиги йўлида бир мушт бўлиб бирлашишига хизмат қилмоқда.

Қабуллар жараёнида нурободлик Собирхон Саматов "Ўзбекиўмир" акциядорлик жамиятининг "Қўмир таъминот" корхонаси масъулларидан вилоятдаги энг йирик туманининг тоғли, тоғолди ва дашт ҳудудидagi қишлоқларни узлуксиз қўмир билан таъминлаш масаласига ечим сўради. Негаки, Самарқанд шаҳридан Нуробод марказигача — 80 километр, энг олис қишлоқлар эса туман марказидан 100 километр узоқда жойлашган. Шаҳардан туман марказига, у ердан қишлоқларга қўмир олиб кетишда транспорт харажати жуда қimmat. Шу боис Собирхон Саматов Нуробод тумани марказига қўмир омбори қуриб беришни сўраб мурожаат қилди. Чунки туман марказига яқин ҳудуддан темирйўл ўтган, бунинг учун етарлича инфратузилма ҳам мавжуд.

Мурожаатдан сўнг Нурободнинг Сарикўл қишлоғи аҳолиси қўмир билан таъминланди. Шу кун туманининг "Сазагон" маҳалласида яшовчи Ризамат Сафаровнинг мурожаати асосида шу маҳалла аҳолисига султирилган газ етказиб берилди. Нуробод катта туман экани ҳисобига олиниб, тез орада ҳудудга яна битта газ тарқатувчи махсус транспорт ажратишга қарор қилинди.

Самарқанд шаҳри Хишрав қўрғонидан ўтувчи Иккон ариғи лойқа кум билан тўлиб қолган. Оқибатда экинларга етарича сув етиб келмаётган эди. Шу ҳудудда яшовчи Карим Туроповнинг мурожаатидан сўнг узунлиги 3,4 километр зовурни тозалаш ишлари бошланди. Бу билан 8 та маҳаллага 670 та ҳўжаликнинг 340 гектар томорқаси ҳамда 10 та фермер ҳўжалигининг 220 гектар экин майдони барқарор оқар сув билан таъминланди.

Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхоналари ва секторлар ҳамкорлиги коммунал соҳадаги муаммоларни ҳам ҳал қилиш имконини бермоқда. Бу йўналишдаги камчиликларни биргаликда ўрганиш ва ҳал қилишда ишлар натижасида айни пайтда Самарқанд тумани Қонигил қишлоғининг 2,5 мингдан зиёд аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 3,5 километрик тармоқ тортилмоқда. Ёки Са-



марқанд шаҳри Сартгера массиви аҳолисига авваллари суткасига 4-5 соат ичимлик сув берилар эди, холос. Халқ қабулхонаси ўрганишларидан сўнг массивда 4,5 километрик ичимлик сув тармоғини янгилашга киришилди. Бу билан маҳалладаги 3,5 мингдан зиёд хонадонга узлуксиз ичимлик сув етказиб берилди.

Оммавий қабулда бу борадаги яна қатор мурожаатлар асосида янги лойиҳалар ишлаб чиқилди. Худди, шунингдек, мулоқотлар давомида ижтимоий соҳага оид қатор мурожаатлар ҳам жойида ҳал қилинди. Масалан, Самарқанд шаҳри "Мотурид" маҳалласида яшовчи Рафот Аслиддинова 25 ўринли уй боғчаси ташкил этган. Талаб ошиши билан уни кенгайтириш зарурати туғилган. Бироқ бунинг учун Мактабга таълим вазирлиги билан битим тузиш зарур. Рафот Аслиддинова вазирлик мутасаддиларига айни шу масалада мурожаат қилган, шу ернинг ўзида вазирлик ва тадбиркор ўртасида битим тузилди.

— Мурожаатим эътибориз қолдирилмади, — дейди Рафот Аслиддинова. — Қутганимдан ҳам тезроқ ҳал этилди. Бу билан қўшимча 4 та иш ўрни яратилди. Боғчанинг қамрови эса икки барабарга ошди.

Оммавий қабулларнинг илк кунда асосан Самарқанд шаҳри, Самарқанд, Пастдаргом ва Нуробод туманларидан келган 535 нафар мурожаатчининг 539 та масаласи кўриб чиқилди. Уларнинг 235 тасига жойида ечим топилган бўлса, 42 нафар мурожаатчига тушунтириш берилди, 262 та мурожаат буйича аниқ мuddат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

Қабуллар якунида вазирликлар, идора ва ташкилотлар мутасаддилари, секторлар раҳбарларининг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича ҳисоботлари тингланди. Ҳар бир соҳа бўйича мутасаддиларнинг бу борадаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

Али Санақуллов Пайариқ тумани "Хўжаобод" маҳалла фуқаролар йиғини Хўжа-2 кўчасидаги 8 сотих ҳовлида бир неча йилдан бери яшайди. Бироқ унинг бу уйга эгалик ҳўқуқи йўқ. Холбуки, Пайариқ туман маъмурий суди 2019 йилнинг 26 июлида унинг мазкур ер майдонига эгалик қилиш ҳўқуқини эътироф этиш тўғрисида ҳал қилув қарори ҳам чиқарган. Бироқ суд қарори икром этилмаган.

Али Санақуллов оммавий қабулда шу масалада амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган, муаммо сектор раҳбарлари билан бирга ўрганиб чиқилди. Натижада, Пайариқ тумани ҳўкимининг 2020 йил 11 ноябрдаги қарори билан Али Санақулловга ўзи яшаётган уй-жойга эгалик ҳўқуқи берилди.

Дарвоқе, Каттақўрғон шаҳри, Самарқанд, Пайариқ, Тойлоқ туманларида ташкил қилинган оммавий қабулларда 2 087 нафар мурожаатчининг 2 123 та масаласи кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг 886 тасига жойида ечим топилди, 230 та мурожаат эгасига тушунтириш берилган бўлса, мингдан зиёд мурожаат буйича аниқ мuddат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган оммавий сайёр қабулларда кўплаб мурожаатлар ижобий ҳал этилди. Албатта, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, халқда розилик, шўкроналик ҳиссини шакллантириш мақсадида фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги сайё-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

Кулайлик



Бошланиши 1-бетда

Лутфулла СУВОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Қайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 12 декабридаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизimini тўдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги" қарори билан фаолияти йўлга қўйилган давлат хизматлари марказларидан илк кунларда 33 турдаги хизматлар кўрсатилган бўлса, бугунги кунда улар сони 148 тадан ортди.

Марказлар орқали давлат хизматларини қабул қилишга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда 2020 йил якунига қадар кўрсатилмайдиган хизматлар сони яна 20 дан ортиқча кўпайтириш режалаштирилмоқда.

— Давлатимиз раҳбири ва ердаги шароитлар, хизматлар кўлами билан қизиқди. Одамлар талабидан келиб чиқиб, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, маҳаллалар билан онлайн боғланиб, аҳолига қўлайлик яратиш бўйича топшириқлар берди, — дейди Адлия

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ — КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ШАРОИТЛАР МАКОНИ

вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори Улўғбек Мўхаммадиев. — Бундай марказларда кўрсатилмаётган хизматлардан одамларнинг хабардорлигини ошириб, кенг фойдаланишга ўргатиш муҳимлигини таъкидлади.

Утган давр мобайнида агентлик томонидан давлат хизматларини кўрсатиш соҳасига доир 16 дан ортиқ қонун ҳужжати ишлаб чиқилди, айрим хизматлар содалаштирилди. Бу ерда ташриф буюрувчилар учун қўлай кутиш жойлари, қариялар ва ногиронлар учун махсус ўриндиқлар, она ва бола хоналари каби қўшимча қўлайликлар яратилган. Худудларда фойдаланишга топширилаётган марказларнинг янги бинолари маҳаллий бюджет маблағлари ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилмоқда. Улар аънавий архитектура ва миллий мейморий ечим, замонавий дизайн талаблари асосида барпо этилаётир. Шунингдек, барча марказлар оптик толали кабеллар билан тўлиқ таъминланиб, юқори тезликда ишлайдиган интернет тармоғига уланди. Бунинг натижасида хизматлар кўрсатиш мuddати қисқартирилди, идоралараро интеграцияни йўлга қўйиш орқали мурожаат қилувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сони кескин камайириди ҳамда



Марказда заргарлик илмини ўқитиш учун синф очилган. Бундан ташқари, ҳудудлардаги заргарлик мактаблари маҳсулотлари кўрғазмаси ташкил қилинган. Маъмура ёпиқ бинодан ва уч томонлама айвон шаклидаги равоқлардан иборат. Бинонинг ёпиқ қисми ўнг томонида заргарлик мактаби учун 10 нафар заргар ишлашига мўлжалланган устaxonа бор.

хизмат кўрсатиш жараёни оптималлаштирилди.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатувчи органлар фаолиятини номарказлаштириш, яъни хизмат кўрсатиш ваколатини юқори туровчи органдан қўйи тузилмаларга ўтказиш орқали хизматнинг тезкорлиги ва манзиллиги таъминланди.

### ТАРИХИЙ ҲУДУД ХУНАРМАНДЛАР ИХТИЁРИДА

Вилоятда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни хунармандчиликка кенг жалб этиш орқали ишли қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хунармандчилик борасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос аънавалари бор. Қашқадарёда ҳам хунармандчиликнинг кўплаб йўналишлари ривожланган. Масалан, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, қуллолик, миллий либослар тикшиш, гиламдўзлик каби йўналишларда қўли гул хунармандлар жуда кўп.

Ана шу мақсадда, Қарши шаҳридаги Одина тарихий-меъморий маъмуриятида хунармандлар маркази ва заргарлик мактаби фаолияти йўлга қўйилгани хунармандларнинг ўз маҳсулотларини бозорга олиб чиқишида, ўзаро тажриба алмашиш ва устоз-шогирд аънаваларини давом эттиришида муҳим аҳамиятга эга.

— Қашқадарёда охириг икки йилда хунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган эътибор самарасида бири-



на заргар, яъни қimmatбахо металлларга ишлов берувчи хунармандлар сони 745 тани ташкил қилди, — дейди "Хунарманд" уюшмаси раиси Улўғбек Абдуллаев. — Шогирдларни ҳам ҳисоблаганда, улар сони 2 мингдан ошган.

Марказда заргарлик илмини ўқитиш учун синф очилган. Бундан ташқари, ҳудудлардаги заргарлик мактаблари маҳсулотлари кўрғазмаси ташкил қилинган. Маъмура ёпиқ бинодан ва уч томонлама айвон шаклидаги равоқлардан иборат. Бинонинг ёпиқ қисми ўнг томонида заргарлик мактаби учун 10 нафар заргар ишлашига мўлжалланган устaxonа бор.

Маъмурадаги 20 та устaxonада каштачилик, қуллолик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, соатсозлик, эсдалик совғалар, мусиқа асбоблари ясаш, миниатюра ва ранг-тасвир, миллий либослар тикшиш, гиламдўзлик каби йўналишлардаги хунармандлар фаолияти юритилмоқда. Бу ерда 150 га яқин иш ўрни яратилган.

Маъмура жойлашган Одина масжиди (XIV аср) тарихий номбаларда соҳибқирон Амир Темури номи билан боғлаб талқин этилади. Регистон маъмура тарихий қириган мазкур иншоотнинг кўрениши ўз даврида гоятда содалбатли ва мафтункор бўлган. Афсуски, масжид бизгача асл ҳолида етиб келмаган, ҳарбий тўқнашуларда, айниқса, мустамлақачилик даврида бу қадамго катта талафот кўрган. 1938 йилда эса бу масканнинг атрофи баланд девор билан ўралиб, қамқонга айлантилган.

— Қуллолик билан икки йилдан буён



шўғулланаман, — дейди касбилик хунарманд Мўҳриддин Уроқов. — Ота-боболаримиз, амаким қуллолик билан шўғулланиб келган. Мен еттинчи авлод устаман. Кўза, сувни тоза ва салкин сақлаш учун хумлар, челек вазифасини бажарадиган идишлар, суттовоқлар, қуви каби 50 турдан ортиқ маҳсулот тайёрлайман. Бу хунар машаққатли, ўз навбатида, нозик дид талаб этади. Ҳар бир маҳсулот тайёрлашга юрак кўри билан ёндашиш керак. Ушбу маъмурадан бизга жой ажратилганидан хурсанд бўлдим. Бу ерда тайёрлаган маҳсулотимизни сотиш имконияти ҳам пайдо бўлмоқда.

Воҳада каштачилик борасида ҳам катта ютуқларга эришаётган хунармандлар талайгина. Айниқса, Шаҳрисабз каштачилиги дунёга машҳур.

— Каштачилик билан шўғулланмаётганимга 40 йилдан ошди, — дейди шахрисабзлик хунарманд Ойжамол Сатторовва. — Ушбу хунарни онамдан ўрганганман. Ироқни, босма, бизгидўзи кашталар тайёрлайман. Бу хунарни даромадли фаолиятга айлантира олганмиз. Маҳсулотимизни мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келиб олиб кетишди. Каштачилик буюмларига, айниқса, хорижликларда қизиқиш юқори.

Кашта урилган камзул, аёллар костюми, ироқи дўппига охириг пайтларда талаб кўп бўлган. Ихчам, сувенир учун мўлжалланган халталар, телефон филофи каби маҳсулотларини ҳам тайёрлайми. Ҳозир бир вақтлар кенг урф бўлган каштачилик услубларини қайта тиклаш устида ишлялғимиз. Эски кийим услубларини олиб, сайқал берамиз, бежирим миллий либосга айлантираимиз.

Пандемия юмшатилиб, мазкур объект сайёҳлик йўналишига киритилгандан сўнг йилгига маҳаллий сайёҳлар оқими 30 мингга, хорижий сайёҳлар сони эса 15 мингга етиши кутилган.

Бирликда барака бор, деймиз. Шу мақол бугун ҳамжиҳатликда эришаётган ютуқларимиз мисолида яна ўз ихтиматини айтмоқда. Қашқадарёда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳам бирдамлигимиз, аҳиллигимиз натижасидир. Зеро, улкан ижобий ўзгаришларнинг барчаси халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшashi учун қилинаётган сайё-ҳаракатларнинг бир қисmidир. Президентимизнинг вилоятга ташрифидан сўнг маррани баланд олган, руҳи кўтарилган воҳа ахли янги ташаббусларни, йирик лойиҳаларни ҳаётга таътиқ этиш йўлида бор куч-ғайратини ишга солади.

Янгича ёндашувлар

Рақамли технологияларнинг жорий этилиши дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодидеги, молия бозорларидаги мавжуд ҳолатларни тубдан ўзгартирмоқда. Янгилликлар ва замонавий инфратузилма туфайли илгари шахсий иштирок ва кўп вақт талаб қилган кўплаб операциялар, эндиликда “битта тугмани босиш” орқали бир неча дақиқада амалга оширилиши мумкин бўлиб қолди. Хусусан, бу имконият фуқаролик муносабатларидаги келишувлар, турли шартномалар тузишга ҳам тааллуқлидир.

# СМАРТ ШАРТНОМА

Келишув мажбуриятлари бажарилишининг ақлли назорати



Фарангиз ЗАЙНОБИДИНОВА, Жаҳон иқтисодидеги ва дипломатия университети докторанти

Кўйиш давлат аҳамиятига молик вазифа эканини кўрсатади.

## МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШНИ АКТ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Смарт шартноманинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Яъни мазкур турдаги шартнома тузиш фуқаролар учун осон бўлиб, улар фақат аввалдан белгиланган, “агар... кейин...” (If... then...) каби кўринишдаги шартнома шартларига розилигини билдиришади. Ақлли шартнома фақат электрон муҳитда мавжуд бўлиб, электрон рақамли имзодан фойдаланишни талаб қилади. Бунда шартнома тузмоқчи бўлган шахснинг шахсий розилиги керак бўлиб, бошқа шахслар номидан битимлар тузилишининг олди олинади.

Дастурлаш тилида ёзилган шартнома шартлари юқори даражада аниқлаштирилгани сабабли аънаваный шартномалардагидек шарҳлаш воситаларини бундай шартномаларга қўллашнинг ҳолати йўқ. Бундан ҳам улар аниқ ва тушунарлироқ ёзилган бўлади. Яна бир ўзига хос жиҳати, ушбу турдаги шартномалар бажарилишининг ақлли назорати мавжуд бўлиб, смарт шартнома ижроси жараёнида томонларнинг ёки бирор учинчи шахснинг аралашуви талаб этилмайди. Аввалдан белгиланган код орқали маж-

жумладан, АҚШнинг бир неча штати қонунчилигида смарт шартномалар тузиш билан боғлиқ муносабатлар назарда тутилади. Масалан, Аризона қонунларида кўра, “смарт шартнома содир бўладиган ҳодисалар билан фаоллаштирилган дастурдор ва у тарқалган марказсизлаштирилган, кўп фойдаланувчи реестрларда рўйхатга олинади ҳамда бундай реестрларда активларни бошқариши ва ўтказиши мумкин бўлади”. Флорида, Небраска, Теннесси, Вермонт штатларида смарт шартнома электрон келишувлардан-да кўпроқ қўллашда кўлланилади. Яъни бундай реестрда активларни бошқариши ва айирбошлашдан ташқари активларни яратиш ва тарқатиш имкониятлари ҳам яратилган. Бундан ташқари, дастурий маҳсулотларга нисбатан ҳуқуқларни бошқариши ва маълумотларни синхронизациялаш ҳам мумкин.

## ЮРТИМИЗДА ЖОРИЙ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР

Смарт шартномалардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасида қуйидаги тақлиф-таъсияларни илгари суришимиз мумкин.

Биринчидан, блокчейн технологияларни давлат томонидан самарали тартибга солиш,

ижро этилишини ҳисобга олсак, шартномани расмийлаштиришнинг ҳақиқий жойини ва шунга мос равишда томонлар судга мурожаат қилиши мумкин бўлган жойни аниқлаш қийин бўлади. Назарий жиҳатдан, суд томонлар битим тасдиқланган исталган жойга шикоят бериши мумкинлиги хусусида қарор қилиши мумкин. Бу ҳолатда дунё бўйлаб жойлашган минглаб тармоқлар мавжудлигини ҳисобга олсак, тарафлар дунёнинг исталган ерида судга тортилиши мумкин бўлади. Ушбу муаммони ҳал қилиш — пророгацион ҳавола (шартномада ушбу битим келишуви билан боғлиқ низолар қайси суд органида, шу қаторда қайси мамлакатда кўриб чиқишлигини белгилаб берадиган ҳавола)ни белгилаш зарур. Ушбу ҳаволада томонлар ҳар қандай низоларни муайян юрисдикцияда ҳал қилишга рози эканини кўрсатиши мумкин бўлади.

Учинчидан, агар шартнома билан боғлиқ муаммолар юзага чиқса, томонлар юрисдикция муаммосини ҳал этиб, одатда туман ёки вилоят судига мурожаат қилишади. Бундай процедура жуда қимматга тушади ва бир ойдан кўпроқ давом этиши шубҳасиз. Аммо агар томонлар келишиб, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари тўғрисидаги бандни қўйишса, улар муросасизликларни арбитраж орқали келишувларни мумкин бўлади. Бугунги ҳақларнинг аксарияти ушбу технология ҳақида етарли билим ва амалиётга эга бўлмастлиги мумкин. Айна шартномада ҳамкамдан блокчейн платформалар буйича муайян тажрибага эга бўлишни талаб қиладиган бандни киритиш иккала томон учун ҳам фойдали бўлиши табиийдир.

Тўртинчидан, смарт шартномаларни тузиш учун дастурий тилни билладиган мутахассисларни жалб қилиш лозим. Смарт шартномалар назариясининг ўзи ҳам ҳуқуқшунослик, ҳам техник фанлар билан боғлиқ илмий ва амалий қоидаларни таҳлил этиш ҳамда бирлаштиришни назарда тутати. Бунда смарт шартнома назариясини тадқиқ этаётган ҳуқуқшунослар учун тегишли техник билимлар билан таништирувчи семинар-тренинглار ташкил этиш мақсада мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий тенденциялар шуни кўрсатмоқдаки, смарт шартнома тобора оммалашмоқда, улардан фойдаланиш қулайлиги ортомқода, хорижий мамлакатларда ақлли шартномалар ёрдамида технологияларни таркомиллаштириш устида алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай шартнома воситачиларис тез ва турли келишувлар тузишга имкон беради. Ақлли шартнома механизми учинчи шахслар ва воситачиларнинг (нотариуслар, ҳуқуқшунослар) иштирокини минималлаштиришга қаратилган ҳамда моддий жиҳатдан бундай шартномалар кўпроқ фойдаланмоқда. Шунингдек, смарт шартномалар инсон ресурси ва моддий ресурсларни тежаш ва келишув шартларининг бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда шартларнинг шарҳлаш эҳтиёжисизлиги, асосли ва қонуний ёзилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Информатиканинг тараққиёти натижасида кундалик ҳаётимизга смарт шартнома тушунчаси кириб келди. Бу атамалар бор АҚШлик информатика, криптография ва ҳуқуқ бўйича мутахассис Ника Сабо томонидан 1994 йилда муомалага киритилган бўлиб, у мазкур шартномани “Томонлар ўртасидаги мажбуриятларнинг рақамли вакили, шу жумладан, ушбу мажбуриятларни бажариш учун протокол”, деб таърифлайди.

Олимлар эса уни икки хил талқин қилишади: “смарт шартнома” ва “ҳуқуқий смарт шартнома”. Смарт шартнома олдиндан белгиланган функцияларга кўра, муайян ҳолат ёки шарт вужудга келса, автоматик тарзда ишга тушадиган компьютер кодини англатади. Код тақсимланган реестрда сақланиши ва қайта ишланиши ҳамда унга ҳар қандай натижавий ўзгаришлар ёзилиши мумкин. Ҳуқуқий смарт шартнома тушунчаси эса икки ва ундан ортиқ томонларнинг дастурий код ёрдамида шакллантирилган ва автоматизациялаштирилган, қонун доирасидаги ўзаро келишуви саналади. Оддий тил билан айтганда, ақлли шартнома замонавий ахборот технологиялари ёрдамида яратиладиган виртуал ҳужжат бўлиб, аънаваный шартноманинг янги авлодидир.

Президентимизнинг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан, майнинг, смарт шартнома (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, краудфандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, блокчейн технологияларни жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш каби вазифалар белгиланган эди. Бу эса мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда смарт шартномалар фаолияти учун платформа бўладиган, блокчейн технологияларга оид муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш ва ақлли шартномалардан кенг фойдаланишни йўлга



Smart Contracts of Blockchain

бурятлар ўз вақтида бажарилиши ахборот технологиялари ёрдамида таъминланади.

Бугунги кунда кўплаб афзалликларга эга бундай шартномалардан кенгроқ фойдаланишдаги асосий муаммо бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётининг йўқлиги, дейиш ўринлидир. Бироқ смарт шартномаларни қўллаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасида бундай келишувлар фаолияти блокчейн платформалар билан боғлиб, тегишли қонун нормалари билан тартибга солинишини кўриш мумкин.

Смарт шартнома иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан регламентация қилиш мақсадида махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда мазкур соҳага алоқадор бўлган мавжуд ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш керак. Чунки кўплаб афзалликларига қарамай, смарт шартномаларни тартибга солувчи нормалар қонунчилик доирасида мустаҳкамлаб қўйилмагани ундан нафақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида, балки давлат бошқарувининг барча соҳаларида янада кенгроқ фойдаланишга тўсқинлик қилиб келмоқда.

Иккинчидан, смарт шартномалардан фойдаланишда, блокчейн технологиясини қўллашда юрисдикцияни, яъни қайси қонунчилик доирасида амалга оширилишини белгилашнинг мураккаб муаммосини ҳал қилиш зарур. Аниқроғи, бундай битимлар марказлаштирилмаган блокчейн тизимда

Жараён

# КУЗ-ҚИШ МАВСУМИНИ БЕТАЛАФОТ ЎТКАЗИШ

Бугунги пухта тайёргарликка боғлиқ



Президентимиз раислигида шу йилнинг 18 сентябрь куни ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини тақомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мутасаддилар зиммасига тегишли топшириқ ва вазифалар юклатилди.

Гулсум ШОДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кўп қаватли уйлари ва ижтимоий соҳа объектларини ҳамда иссиқлик тармоғи, ичимлик сув, электр энергияси, табиий газ таъминоти тизимларини мавсумга тайёрлаш, аҳолига кўмир, суўлтирилган газ етказиб бериш, озиқ-овқат таъминоти захираларини яратишга қаратилган чоралар кўриломоқда.

Навоий вилоятдаги мавжуд кўп қаватли уйлари 2020–2021 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятимиздаги мавжуд 1 727 та кўп қаватли уй-жойларга 64 та Уй-жой мулкдорлари шirkатлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатилиб келинмоқда, — дейди Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Нуриддин Жуманиёзов. — Кўп қаватли уй-жой фондини 2020–2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Тадбирларни амалга ошириш мақсадида вилоят бўйича жами 52,3 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Дастурда 2020–2021 йилларда кўп қаватли уй-жойларнинг том қисмини мукаммал ҳамда жорий таъмирлаш, биноларнинг фасад қисмини, кириш йўлакларини, электр тақсимловчи шитларни ва иссиқлик тик қувурларини таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, кириш йўлакларига темир эшиклар, кодли қўлфлар, замонавий уй рақамлари ҳамда фраммуларга ойна ва ром ўрнатиш вазифаси юклатилган. Шу билан бирга, кўп қаватли уйлarning ертўла ва ундаги яросиз муҳандислик қувурларини таъмирлаш ёки алмаштириш, оқова сув қувурларини, ички канализация тизимларини таъмирлаш ишлари белгиланган. Бундан ташқари, ётиқ совуқ ва иссиқ сув қувурларини, ётиқ иситиш тизими қувурларини пластик қувурларга алмаштириш кўрсатилган. Болаларнинг мазмуни дам олишини таъминлаш мақсадида кўп қаватли уй-жойларга туташ худудларда янгидан болалар майдончалари қуриш, мавжудларини эса таъмирлаш, ташқи ёритиш мосламалари ўрнатиш ҳамда уй олди йўлакларига бетон қоплама ётқизиш ишлари олиб борилди.

Дарҳақиқат, вилоятда иқтисодиёт тармоқлари, Кўпқаватли уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиши бўйича тегишли корхона ва ташкилотлар ҳамда шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан амалга оширилётган ишларнинг доимий мониторингини олиб бориш ва мувофиқлаштириш бўйича вилоят штаби ташкил этилган. Бугунги кунда 2020–2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида барча масъул ташкилотлар томонидан режалаштирилган йўлга қўйилди. Хусусан, марказий қозонхоналар, иссиқлик, электр, газ, сув тармоқлари ва трансформатор пунктларини жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари якунига етди.

Жорий йилда 3 та соғлиқни сақлаш муассасаси мукаммал таъмирланди, — дейди Нуриддин Жуманиёзов. — Касалхоналар, мусика ва санъат муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилоти объектлари жорий таъмирдан чиқарилди. Вилоят ижтимоий соҳа муассасаларига 2020–2021 йиллар куз-қиш мавсуми учун жами 16,9 минг тонна кўмир ва кўмир брикети етказиб берилиши режалаштирилган бўлиб, айна пайтда вазифа 62 фоизга бажарилди. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига 227 тонна кўмир ва кўмир брикети етказиб бериш бўйича тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилди.

Бундан ташқари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг топшириғига асосан вилоят худудида фаолият юритаётган 64 та УЖМШлари

фаолияти “Уйжойфондинспекцияси” вилоят ҳудудий филиали билан ҳамкорликда икки босқичда ўрганиб чиқилди. Унга кўра, 58 та уй-жой мулкдорлари шirkати “яхши”, 6 таси “ўрта” тоифадаги шirkатлар таркибига киритилди. Ушбу “ўрта” тоифага киритилган УЖМШларни яқин вақт ичида “яхши” тоифадагилар қаторига киритиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, вилоятдаги мавжуд кўпқаватли уй-жой фондида хизмат кўрсатиб келатган УЖМШлар фаолиятини янада тақомиллаштириш, аҳолига замонавий ва сифатли хизматлар кўрсатишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги қoшида ташкил этилган “Коммунал ўқув” ташкилоти билан ҳамкорликда УЖМШ раислари ва ишчи ходимларини қайта тайёрлаш, уларга сертификатлар бериш ишлари ҳам эътибордан четда эмас. Келажакда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги “Faniks ART Servis” профессионал бошқарув сервис компанияси фаолиятини ўрганиб, ушбу тажрибани вилоятимиздаги кўпқаватли уй-жойларни бошқариш тизимида ҳам жорий этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, кўпқаватли уй-жой фондини бошқариш тизимида замонавий IT-технологияларни кенг жалб қилган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошироқчимиз.

Шу ўринда айтиш лозимки, вилоят аҳолисида коммунал соҳага оид тушаётган мурожаатлардан билдирилётган муаммо ва камчиликларга ҳам ўз вақтида ечим топиламоқда. Шу мақсадда вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг тушу кун ишлаб келатган рақамли диспетчерлик хизмати телефон рақамлари ташкил этилган. Ушбу телефон рақамлари орқали қабул қилинган мурожаатлар тегишли масъулларга етказилиб, белгиланган муддатларда ўз ечимини топмоқда.

Навоий шаҳрида яшовчи Р. Аҳмедованинг ўзи истиқомат қиладиган уйнинг ертўла қисмидаги мавжуд қувурлар таъмирталаб аҳволда эканлиги ҳақида ёзган эди, — дейди вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси матбуот котиби Жаҳоғир Абдурахмонов. — Ўрганиш ишлари якунига эришган, “Навоий коммунал 2020” УЖМШ мутасадди ходимлари томонидан ертўладаги қувурлар замонавий пластик қувурларга алмаштирилди.

Жорий йилнинг 28 сентябрида Учқудуқ тумани “Навоий” маҳалласида яшовчи Т.Абдуллаева ҳам хонадонидаги иссиқ сув ва совуқ сув қувурларини пластик қувурларга алмаштиришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Бу муаммо “Учқудуқ дуру гавҳари” УЖМШ ходимлари томонидан бартараф этилди.

Қизилтепа туманидан Т. Ражабова ўзи истиқомат қилаётган кўп қаватли уйнинг том қисми носоз ҳолатда эканлиги юзасидан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига мурожаат қилган. Ушбу мурожаат бўлим мутасаддилари ҳамда УЖМШ масъул ходимлари томонидан ижобий ҳал этилди.

Хар бир уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумида барқарор ишланиши таъминлаш борасида ташкилот ва корхоналар кесимида ишчи гуруҳлар тузилган, — дейди Навоий шаҳар уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Феруз Хожиев. — Шаҳардаги 653 та кўпқаватли уйга 33 та хусусий уй-жой мулкдорлари шirkати томонидан коммунал хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Шаҳарда республика бюджети ҳисобидан болаларни мазмуни дам олишини таъминлаш мақсадида 8 та болалар майдончаси қуриш ва 6 та мавжуд болалар майдончасини таъмирлаш режалаштирилган. Бугунга қадар 6 та болалар майдончаси қурилди. Шунингдек, 8 та ноқонуний қурилмаларни бузиш, 6 та гаражини тартибга келтириш ишлари ҳам тўлиқ адо этилди.

Қишнинг ҳар бир куни — синов. Мавсумни беталафот ўтказиш эса унга қанчалик пухта ҳозирлик қўрилганига, тайёргарлик ишларининг нечоғлиқ сифатли бажарилганига боғлиқ.

Ҳасани ИҲУДШЕВ олган сурат.

Спорт

# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

Бошланчи 1-бетда

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиалини, шунингдек, университетнинг спортчилар техник-тактик, психологик ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича махсус илмий лабораторияси негизда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқотлар институти ташкил этилди. Филиал фаолияти 2021-2022 ўқув йилидан, илмий-тадқиқотлар институти фаолияти 2021 йил 1 январдан бошланади.

Шу йилнинг 1 декабридан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети республикадаги барча жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ташкилотлари ҳамда спорт федерациялари (уюшмалари) фаолияти устидан ўқув, илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади.

Қарорда кўрсатилган вазифаларни самарали ташкил қилиш мақсадида уни-

**Бугунги кунда университетда истеъдодли ёшларни саралаб олиш, олимпия ҳамда миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ва жамоаларини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун университетнинг 5 та факультетида бакалавр босқичида 8 029, магистратура босқичида 201 талаба таҳсил олмақда. 23 кафедра ва 19 бўлим мавжуд. 466 нафар юқори малакали мутахассис, жумладан, 18 фан доктори, профессор, 80 фан номзоди ва доцент томонидан таълим-тарбия ва ўқув жараёни олиб борилмоқда.**



верситет ҳузурида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритадиган Республика илмий-услубий кенгаши ҳам ташкил этилади. Шунингдек, йил якунига қадар спорт-таълим муассасалари ҳамда спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) учун босма нашрларни чоп этиш мақсадида университетда бюджетдан ташқари маблағлар асосида ҳужжалик ҳисобидаги, юридик шахс мақомига эга бўлмаган "Жисмоний тарбия ва спорт" наشريёти ва босмахона фаолиятини ташкил этиш чоралари кўрилади.

Олий таълим сифатига қўйилмайдиган халқаро талабаларга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни тўлиқ, сифатли бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим, илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни кенг жалб этиш шарт. Шу мақсадда

ишлаб чиқаришни, республика ҳамда хорижий етакчи олий таълим муассасалари, илмий марказлар билан алоқаларни ривожлантириш, олий таълим тизимида замонавий технологияларга асосланган ўқув жараёнларини жорий қилиш бўйича илгор тажрибаларни татбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш тизими ҳамда очик ахборот-таълим муҳитини такомиллаштиришга кўмаклашиш университетнинг Фарғона филиали асосий вазифалари этиб белгиланди.

"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида илм-фан соҳасида, шу жумладан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, спортда илм-фанини жадид ривожлантириш, юқори малакали

рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти олдида ҳам бир қатор вазифалар қўймоқда. Унга кўра жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг назарий ва илмий методологик асослари яратилиб, фундаментал илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Шунингдек, соҳага халқаро ҳамда маҳаллий илмий ва амалий грант лойиҳалари жалб этилади.

Юқори малакали спортчиларнинг ўқув машғулот йиғинларини ўтказиш даврида комплекс илмий-тадқиқотларни ташкил этиш ва инновацион технологияларни кенг қўллаш юзасидан зарур тавсиялар ишлаб чиқилади. Спорт турлари бўйича терма жамоаларни халқаро мусобақаларга тайёрлашга илмий-методик жиҳатдан кўмаклашилади. Спорт психологияси,

диетологияси, реабилитацияси ва тиббиётини ривожлантириш бугун долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бу, ўз навбатида, илмий-услубий тавсияномалар, ўқув-қўлланмалар ва дарсликлар чоп этилишини талаб этади. Шунингдек, аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали, илмий асосланган воситалар, услублар ишлаб чиқилади.

**Спортчиларнинг функционал, биокимёвий, психодиагностика, биомеханик иш қобилиятини диагностика қилиш, коррекциялаш тизими йўлга қўйилиб, селекция ишларини самарали ташкил этиш мақсадида тренер-селекционер ва мутахассисларга методик ёрдам берилди.**

Олдимизда турган яна бир вазифа хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб этишдир. Улар тадқиқот ишларини самарали ташкил этишга кўмаклашади. Таълимнинг барча бўғинлари (мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим, шунингдек, мактабдан ташқари, спорт таълими) учун жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича таълим стандартлари, фан дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, шу жумладан, аудио, видео, электрон дарсликлар, онлайн дарслар ҳамда бошқа турдаги илмий-методик материаллар тайёрланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқув бинолари қайта реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси янгиланди. Университет ҳудудидаги бинолар ва иншоотларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш учун 2018-2020 йиллар давомида давлат

томонидан тегишли маблағлар босқич-мабосқич ажратилиб борилди. Натижада 2018 йил 15 сентябрда Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг қайта реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси янгиланган ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Университетнинг тантанали очилиш маросимида меҳмон сифатида иштирок этиб, сўзга чиққан Беларусь Республикаси спорт ва туризм вазир Сергей Ковальчук Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳалар, шу жумладан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани барча дўст мамлакатлар, хорижлик мутахассисларнинг ҳавасини уйғотаётганини қувонч билан таъкидлаб ўтган эди.

Бугунги кунда университетда истеъдодли ёшларни саралаб олиш, олимпия ҳамда миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ва жамоаларини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун университетнинг 5 та факультетида бакалавр босқичида 8 029, магистратура босқичида 201 талаба таҳсил олмақда. 23 кафедра ва 19 бўлим мавжуд. 466 нафар юқори малакали мутахассис, жумладан, 18 фан доктори, профессор, 80 фан номзоди ва доцент томонидан таълим-тарбия ва ўқув жараёни олиб борилмоқда.

Бутун дунёда соҳа мутахассислари спорт миллиятини улуғлайди, дейишди. Ҳақ гап. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қарори биз, спортчи мураббийлар ва устозлар, бутун Ўзбекистонда спорт фаолияти билан шугулланаётган мутахассислар қалбида хайрли мақсадлар, эзгу ишларга бўлган ишончимизни янада ошириб, янги-янги марраларни эгаллашга ундамоқда. Ўзбекистонда спортга қаратилаётган юксак даражадаги эътибор барча дўст ва ҳамкор мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу Ўзбекистонда музаффар спортчиларнинг янги авлодини тарбиялашга юксак қадамлар қўйилганидан дарак беради.

Саломатлик сабоғи



## СОҒЛОМ ТУРМУШ ВА РУҲИЙ МУВОЗАНАТ кўплаб хасталикларнинг олдини олади

**Шониёз ҚУРБОНОВ, Қарши давлат университети профессори, биология фанлари доктори Абдулазиз ҚУРБОНОВ, биология фанлари номзоди, доцент**

Ҳозир дунёда кенг тарқалган ўта хавфли коронавирус инсониятни ташвишга солиб, жуда катта иқтисодий, ижтимоий, биологик ва тиббий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Агар юртимизда коронавирус тарқалиши туфайли эълон қилинган чекловлар биринчи кундан бошлаб барча қаттиқ амал қилганида, бу тилсиз ёв ҳозиргига қараганда ҳам кўпроқ жияовланган бўлар эди. Огоҳлантиришларга қарамай, тўймаъракаларнинг давом эттирилиши, кўча-кўйларда, бозор-ўчаларда ниқобсиз юриш, кўл бериб кўришиш, мулоқот пайтида ижтимоий масофани сақламастик каби омиллар коронавируснинг кенгроқ ёйилишига олиб келмоқда.

Халқимиз ёвга қарши кураш самарали кечиси учун душманининг ўзига хос сир-асрорларини билиш, уни кучсизлантириш чора-тадбирларини кўриш муҳимлиги ҳақида азалдан айтиб келади. Шу нуктаи назардан, коронавируснинг баъзи биологик хусусиятлари ҳақида билиш зарар қилмайди.

Фан-техника, саноат ва транспорт ривожланиши бир томондан инсоният учун улкан имкониятлар, жуда кўп қулайликлар яратган бўлса, иккинчи томондан юқумли касалликларнинг тарқалишини тезлаштирди. Масалан, самолётлар пайдо бўлгунча бирор вирусли эпидемиянинг бир қитъадан иккинчисига ўтиши учун ойлар, йиллар вақт ўтган. Ҳозир шунча йўлни босиб ўтиб, касаллик тарқалиши учун бир неча соат етарли. Одамларнинг кўпчилик бўлиб томоша максапларида йиғилиб ўтириши ҳам юқумли касалликларнинг тарқалишини тезлаштиради.

Испаниянинг айрим аҳоли яшаш жойларида коронавирус қайд қилинмаган. Аниқланишича, бу ҳудудларда уйлар сирак бўлиб, одамларнинг тўпланиб мулоқот қилиш ҳолати кам учраб экан. Тахминларга кўра, кишилар орасида ижтимоий мусофиранинг етарли бўлиши

коронавирус тарқалмаслигининг асосий сабабидир. Ҳозир вирусология ютуқларидан фойдаланган ҳолда тиббиётчилар бу тилсиз ёвга қарши кенг қўламли кураш олиб борапти. Шу боис, касалланганлардан аксариятининг ҳаёти сақлаб қолинмоқда. Шу билан бир қаторда касалликни жияовлашда ҳаммининг қўлидан келадиган қатор чора-тадбирлар фаол олиб борилиш, талафот янада камроқ бўлади.

**Биринчидан**, кўча-кўй, бозор-ўчалар, жамоат транспорти, ўқиш масканлари каби одамлар тўпланиб, мулоқот қиладиган жойларда, албатта, ижтимоий масофани сақлаш, ниқобларни тақийш ва махсус қўлқоплар кийиб юриш мақсадида мувофиқ. Олиб борилган тадқиқотлар ниқобли кишиларга коронавирус юқиши ниқобсизларга қараганда 95 фоизгача камайишини кўрсатди. Қўлларни тез-тез совунлаб ювиш, дезинфекция қилиш воситалардан фойдаланиш ҳам бу борада анча фойда беради. Вируслар ишқорий муҳит(совунли сув)да ва дезинфекция воситалари таъсирида йўқолади. Одамлар бир-биридан икки метр узқикда турса ҳам вируснинг этиб бориши кескин қамаяди.



**Иккинчидан**, коронавирус юқумлилиги учун энг муҳим омил — бу ҳар бир организмдаги мавжуд иммун тизими ва унинг доим мустақамлиги ҳисобланади. Танадаги ушбу тизим асосан, саксон фоизгача ошқозон-ичакларда ривожланади. Ҳазм йўлида ҳар кимнинг ўзига хос жуда кўп сонли бактериялари бўлиб, уларнинг фаол ҳаёт кечирishi истеъмоқ қилинадиган озиқ-овқатнинг таркиби, миқдори, қабул қилиш тартиби ҳамда доимийлиги боғлиқ. Шунинг учун истеъмоқ қилинадиган озиқ-овқатга қараб иммун тизимини рағбатлантириш ёки кучсизлантириш мумкин. Масалан, табиий асал, цитрус мевалар (лимон, апельсин, мандарин), итбурун меваси, булғор қалампир, саримсоқ, пиёз, тузланган қарам, сариқ рангли мевалар, биологик тўла қийматли оқсиллар (қўй, мол, парранда гўшти), думлик, тухум, ёнғоқ, ёғлар (сариеғ, бумба ёғи, балиқ ёғи, зайтун, зигир, кунжут ёғлари), рафинация қилинмаган озиқ тоналарига бой углеводлар (пўсти-кепаги ажратилмаган донлар, кўкатлар, полиз махсулотлари — сабзи, қарам, шолғом, бақлажон ва бошқалар)ни доимий равишда ва керакли миқдорда еб туриш иммун тизим ишчанлигида анча фойда беради.

Бошқа гуруҳ махсулотлар, жумладан, дудланган (қолбаса, пишлоқ, балиқ), тузга босиб қуритилган, тез тайёрланадиган фастрфудлар, гамбургер, чипс, картошка фри, полу-

фабрикатлар (ярим пиширилган махсулотлар, лагмон, котлет ва бошқалар) ҳозирги вақтда ўзининг ширин мазаси ва ташқи кўриниши билан, айниқса, ёшларнинг севимли таъмига айланган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, айни вақтда бундай таомлар ичак микрофлораси фаолиятини бузиб, умумий иммунитетни кучсизлантиради. Улар таркибидаги кўп миқдордаги шакар, туз ва ҳар хил қўшимчалар ҳисобига иштаҳани оцади.

Аслида бундай таомларга қўшилган шакар ва туз меъридан кўра неча марта ортиқ. Шу боис организмда ушбу озиқ моддалар қатор нохушликлар келтириб чиқаради. Қонда кислоталилик кучаяди. Ҳар хил патоген микроорганизм кўпайиши учун шароит этилади. Бу каби емакларни тайёрлашда ишлатилган ёғлар юқори ҳароратда давомли сақланиб, канцероген хусусиятга эга бўлади. Канцероген хусусиятга эга бўлган айналади. Холестеринни кўпайтириб, инсулят, инфаркт, қандли диабетни келтириб чиқаради, иммунитетни пасайтиради.

Муайян сабабларга кўра, масалан, касалликлар туфайли антибиотик ичиш, нотўғри овқатланиш ичаклардаги одатдаги фойдали микрофлоранинг ўзгаришига, кўпинча кескин камайиб кетиши(дисбактериоз)га олиб келади. Бу ҳол, ўз навбатида, иммунитетни пасайтиради ва юқумли касалликлар, шу жумладан, коронавирус ривожланиши ҳам қўлай шароит яратди.

**Жисмоний фаоллик сусайиб кетмаслиги учун бор имкониятдан келиб чиқиб, мускул ҳаракатларини камайтирмастик, масалан, кунига икки-уч марта жисмоний машқлар комплексини ишлари билан шугулланиш, кунига ўртача 6000 қадам пиёда юриш зарур.**

**Учинчидан**, илик, тимус (айри-симон без), талок, лимфа тугунлари иммун тизим ривожланишига хизмат қилиб, уларнинг фаол бўлишида жисмоний ҳаракат муҳим аҳамиятга эга. Замондошларимизнинг кундалик ҳаётида транспорт воситалари, турли машина ва механизмлардан тобора кўпроқ фойдаланиш камҳаракатлилик, яъни гиподинамияни ривожлантириб, мускул иши сезиларли даражада камайиб кетмоқда. Пандемия муносабати билан кишилар(айниқса, катта ёшдагилар)нинг кўпроқ уйда қолиши, оммавий томошалар(стадионлар, концерт заллари, кино-театрлар ва бошқалар)га кам бориши гиподинамияни янада кенг ёймоқда.

Жисмоний фаоллик сусайиб кетмаслиги учун бор имкониятдан келиб чиқиб, мускул ҳаракатларини камайтирмастик, масалан, кунига икки-уч марта жисмоний машқлар комплексини бажариш, ҳўжалик ишлари билан шугулланиш, кунига ўртача 6000 қадам пиёда юриш зарур. Қишлоқда яшайдиганлар учун томорқада ишлаш, мол-ҳўлларга қараш билан ушбу вазифани амалга ошириш қийин эмас. Серҳаракатлик қарийб барча хасталиклар, шу жумладан, коронавируснинг олдини олишда ҳам (иммун тизимни фаоллаштириш орқали) кўл келиши тасдиқланган.

**Туртинчидан**, кундалик турмушда учраб турадиган турли-туман зарарли стресс омиллар, ма-

салан, кучли жаҳл чиқиши, руҳий тушқунликка тушиш, ҳар хил ноқулайликлардан доимий бетақат бўлиш ва ҳоказолар киши асабини таранглаштириб, ўз-ўзини бошқариш қийин бўлиб қолади. Бу қон босимининг кўтарилиши, юрак уришининг тезлашиши, қонда айрим гормонлар, масалан, адреналиннинг кўпайиб кетишига олиб келади. Бундай безовталиқда иммун тизими яхши ишламайди. Ҳар хил юқумли касалликлар, шу жумладан, коронавирус хасталигига чалиниш тезлашади. Шу боис, ҳар ким ўзига ўзи тасалли бериб, ҳар қандай нохушликларга оқилон муносабатда бўлиши, уларнинг ўтиб кетишига ишониб, тинчланиши зарур.

**Бешинчидан**, иммун тизимини фаол бўлишида организмга тегишли пайта тўлақонли дам бериш ҳам муҳим. Бедорлик пайти фаол жисмоний ва ақлий меҳнат билан шугулланиш даставвал асаб тизими, вақт ўтиб, тана мускулларини, ички аъзолар фаолиятида

толқишни келтириб чиқаради. Танага қувват берадиган ва пластик материал бўлиб хизмат қиладиган озиқ моддалар миқдори, шу жумладан, иммун таначаларининг синтези учун зарур тўла қийматли оқсиллар камаяди. Кўпчилик бошдан ўтказганки, ишлаб чарчаган пайтлари 10-15 дақиқа тўхтаб, иложи бўлса, мизгиб олинса, куч-қувват қайта тикланиб, киши тетиклашади, чарчоқ йўқолади.

Жисмоний чарчаш тана мускулларининг фаол ишлаши туфайли қонда сут кислотаси кўпайиб, ички муҳит реакциясининг кислотали томон оғишига олиб келади. Ақлий меҳнат қилиб чарчаганда асаб тизими марказларининг бошқарувчанлик хусусияти бузила бошлайди. Барча ҳаётий жараёнлар устидан назорат қилиш бўшашиб кетади. Қайд қилинган салбий физиологик ўзгаришлар организмнинг зарарли микроорганизм, вирусларга қаршилик кўрсатишини, бардошини пасайтириб, хасталанишни осонлаштиради. Шунинг учун, айниқса, пандемия шароитида ўз вақтида етарли дам олишга алоҳида эътибор бериш лозим. Дам олиш деганда айрим кишилар ухлашни тушунади. Аслида меъридан кўп ухлаш дам олиш ўрнига танани оғир қилади, ишчанликни пасайтиради. Жисмоний ва ақлий меҳнат қилишни бир-бирига мос равишда тартибли олиб бориш дам олишнинг самаралилигини таъминлайди.



ди. Бу физиологик тилда фаол дам олиш дейилади. Жисмоний иш қилиб чарчаган одам ухлаб дам олса, тетик, бардам бўлади, юқумли касалликларга кам чалинади. Хулоса қилиб айтганда, коронавирус пандемияси шароитида унга чалинмаслик учун тиббиётчилар хизматидан ташқари мазкур чораларни эътиборга олиш ва имкон даражасида амалга ошириш кўринмас ёвни жияовлашда яхшигина самара беради.

Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ЮКСАК ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

Шухрат ҲОТАМОВ,  
Ғулом МИРЗАЕВ,  
Миллий гвардия ҳарбий-техник институти  
доцентлари

Ҳар бир мамлакатнинг мустақил тараққиёт йўли, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири худудий дахлсизлик масаласи бўлса, иккинчиси мамлакатда миллий этник ва диний сиёсатни тўғри йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда сайёрамизда 7 миллиарддан зиёд аҳоли бор. Ўзбекистон худудига эса 136 та миллат ва элат вакиллари яшайди. Миллатларнинг кўпчилиги — жамиятнинг ютуғи ҳисобланади. Ҳар бир миллат Яратганнинг мўъжизаси, ўз тили, дини, маслаги, қадриятлари, анъаналарига эга. Мазкур маънавий омилларнинг амал қилиниши эса миллатлараро тотувликнинг муҳим шартларидан биридир. Давлатлар бу борада кўп миллатли ва бир миллатли тарихига эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўзига хос қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувлик

Мустақилликнинг илк кунларидан мамлакатимиз сиёсатида миллатлараро тенглик ва тотувлик ғоясига амал қилинди ва бу умуминсоний тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларида қайд этилган. Жумладан, 8-моддасида “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”. 4-моддасида эса “Ўзбекистон Республикаси ўз худудига истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди” деган қоидалар билан мустақамлаб қўйилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар ушбу соҳада катта ҳаётий таърибга тўпланганлигини англатади. Мамлакатда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар Ўзбекистон Республикасида белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан унумли фойдаланиб келмоқда. Шунинг билан бирга 139 та миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Уларнинг асосий мақсади ва вазифаси республикадаги миллий муносабатларни уйғунлаштириш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар ва элатларнинг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга, яъни уларнинг ҳар бирига хос бўлган тамойиллар, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга амалий ва услубий жиҳатдан ёрдам бериш ва шу орқали миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашдан иборат.

Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият юритади. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида кўрсатувлар 12 тилда намоёйиш қилинади, ундан ортқ тилда газета ва журналлар нашр этиляпти.

Айтиш мумкинки, миллий-маданий марказлар фаолияти, бир томондан, диаспора вакилларини миллий тарих, урф-одат ва анъаналардан хабардор қилишга, бошқа томондан, этник ўз-ўзини англашга таъсир кўрсатиб, миллий бирлиكنинг мустақамлашига хизмат қилмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган ана шундай бағрикенглик сиёсати Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлигида ҳам муҳим бўлган ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшни-

чилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради”.

Дарҳақиқат, қўллаб-қувватлаш ва элатлар истиқомат қилиши маданий интеграциялашувга ундайди. Ана шу маданий интеграциялашув мамлакат ичарисидида миллатлараро тотувликни таъминласа, ташқи сиёсатда давлатлараро ҳамкорликни мустақамлаб минтақавий интеграциялашувга хизмат қилади.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик борасида амалга оширилаётган ислохотлар давлатлараро муносабатларда ҳам ўз ифодасини топомқда. Бу сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамжиҳатликка интилаётган минтақавий халқларнинг манфаатига тўлиқ мос келади.

Миллатлараро тотувликнинг умумбашарий қадрият сифатида турли хил халқлар, бирга истиқомат қилмайдиган давлат ва минтақада акс этиши тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустақамлашга хизмат қилаётган қатор омиллар мавжуд. Аввало, Конституциямизда барча миллат ва элат вакилларининг тенг ҳуқуқлиги белгилаб қўйилганлиги, Миллий маданият марказлари фаолияти учун кенг имкониятлар яратилганлиги, миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни давлатлараро дўстона ҳамкорликка олиб чиқувчи дўстлик жамиятларининг ташкил этилганлиги ҳамда “Ўзбекистон — умумий уйимиз” ғояси остида маданий-маънавий тадбирларнинг мунтазам ташкил этилиши келинаётганлиги шулар жумласидандир.


Бинобарин, республикада яшовчи халқларнинг дўстлигини, миллий ҳис-туйғуларни, маданий анъаналарни астойдил ҳурмат қилиш асосида улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончли тарғиб қилиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга ҳар томонлама қўллашнинг бағрикенглик тамойилининг ёрқин намунасидир.

Мамлакатимизда миллий урф-одатлар ва анъаналарнинг ҳурмат қилинишини таъминлаш ва уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш жамиятимизда мавжуд “миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясининг асосий ўзагини ташкил этади.

Кейинги қисқа даврда Президентимиз раҳбарлигида қўшни мамлакатлар билан муносабатларда конструктив, фаол ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди. Биргаликдаги сайёҳ-ҳаракатлар, аввало, Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган сиёсат тўғрисида минтақада сиёсий ишонч даражаси янада ошди ва минтақада мутлақо янги сиёсий муҳитга эришилди. Минтақавий шериклик кучайтирилиб, у билан боғлиқ масалалар изчил муҳокама этиб борилаётган.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизни жаҳон мамлакатлари билан йиллар давомида синовлардан ўтган дўстлик ришталари, Марказий Осиё халқлари билан эса муштарак тарих ва маданият, дин, ўхшаш менталитет, маънавий-ахлоқий қадрият ва анъаналар боғлаб турар экан, бугунги ёш авлод ушбу бебаҳо қадриятларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашлари керак.

### Мулоҳаза



## МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

Ўрол ҲАИТОВ, доцент,  
Дониёр ТОШБОВЕВ,  
журналист

Халқимиз тафаккури меваси — маданий меросимиз асрлар давомида шаклланди, сайқалланиб келмоқда, ўз жозибаси, салобати билан дунё халқларини ўзига ром этмоқда. Шундай экан, ушбу меросни асраб-авайлаш, ривожлантириш, тарғиб қилиш, унинг халқаро маданий макондаги ўрни ва нуфузини янада ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси” мазкур соҳадаги ишларни тизимли ташкил этишининг дастуруламали бўлганини таъкидлаш жоиз.

Концепция доирасида моддий ва номоддий маданий мерос объектларини аниқлаш, уларни давлат муҳофазасига олиш, асраб-авайлаш, сайёҳлик йўналишларига, ЮНЕСКОнинг жаҳон моддий ва номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилган.

Мамлакатимиз худудига 8 мингдан зиёд моддий маданий мерос объектлари мавжуд бўлса, уларнинг 4 367 таси археология ёдроллиги, 2 096 таси архитектура ёдроллигидир. Уларнинг бир қисмини ЮНЕСКО рўйхатига киритиш бўйича самарали изланишлар олиб борилаётган.

Ҳозирги вақтда ЮНЕСКОнинг жаҳон моддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондан Ичанқалъа, Бухоро ва Шахрисабз шаҳарларининг тарихий қисми, Самарқанд — цивилизациялар чорраҳаси объектлари, жаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига эса мамлакатимиздан 8 та — Бойсун маданий муҳити, Шашмақом, Катта ашула, Ақсия санъати, Наврўз, Палов тайёрлаш маданияти ва урф-одати, Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази, атлас ва адрас матоларини тўқинининг анъанавий технологияси, шунингдек, концепцияда назарда тутилган объект — Хоразм лағзиси киритилган.

Ҳўна ва бой маданий меросимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш учун Қорақалпоғистондаги “Сахродаги қасрлар”, Жиззах вилоятидаги Хонбанди, Навоий вилоятидаги Сармишсой қоятош расмлари, Сурхондарё вилоятидаги Заруустой қоятош расмлари, қадимий Термиз объектларини ЮНЕСКО рўйхатига киритиш бўйича ишлар олиб борилаётган.

Буюк ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисми — “Ипак йўли: Фарғона — Сирдарё ҳавзаси”, “Ипак йўли: Зарафшон — Қорақум”, “Сахродаги қасрлар”, Хонбанди, қадимий Термиз номзодлари ўзида Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сурхондарё юртимиз худудига бўлган

кўплаб моддий маданий мерос объектларини ўзида қамраб олади.

Номоддий маданий мерос ҳақида гап кетганда таъкидлаш лозимки, халқаро рўйхатга киритилиши учун олтидан зиёд номзод тайёрланмоқда. Хусусан, қўбиз ижрочилиги, бахшичилик санъати, этносспорт, ёғоч ўймакорлиги санъати, халфачилик, ўзбек жанг санъати, Риштон кулчилик мактаби, Ўзбекистон ва Тожикистон анъанавий халқ уйинлари, Марказий Осиё анъанавий каштачилиги, Рубоб яшаш ва ижрочилиги, Хўжа Насриддин ҳажвийларини айтиш анъаналари шулар жумласидан.

Маданий меросимиз миллий ўзига хослигимизнинг юзи бўлиши билан бирга, ёш авлоднинг аждодлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Маданий меросимизни тарғиб қилиш нафақат сайёҳлар оқимининг кўпайишида, балки миллатлараро бағрикенгликка, маданий ҳамкорлик ривожланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЮНЕСКОнинг жаҳон моддий ва номоддий маданий меросига ҳамда сайёҳлик йўналишларига киритиш учун номзод бўлиши мумкин бўлган объектларни ўрганиш амалиёти жорий йилда ҳам давом эттирилиб, худудларда мав-

Республикасидаги тарихий-маданий меросимизнинг кўплаб объектларини қамраб олади.

Эътибордан четда қолаётган объектларимиз рўйхатини тузиш, тарихийлиги



ва аҳамиятини асослаш ишларини давом эттириш мақсадида олиб борилган ўрганишлар янги номзодлар мавжудлигини кўрсатади.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Хўжақент ғори ва ундаги ёзувлар, Қашқадарё вилоятининг Чирочки туманидаги Сийпантош петроглифлари, Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманидаги Сангардак шаршараси моддий ва табиот объектлари, Сумалак тайёрлаш — халқ сайли, Келин салом — миллий удум, Андижон полкаси — миллий шиддат намунаси, Халқ термалари — инсон ва табиот бирлиги, Хунармандчилик — Самарқанд қозғоғини тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари, Доира яшаш услублари ва ижро маҳоратлари, Карнай садолари — байрамлар жарчиси, Най навалари — мозий садолари, Дўппи тиқиш услублари ва кийишнинг ўзига хос худудий анъаналари, Алла айтиш анъаналари каби номоддий маданий объектлар шулар жумласидан. Ижро этиш санъатининг Кекирдак, ўзликни намоеън этишининг оғзаки анъаналари ва шакллари билан бўлган — Лабғуй каби хали рўйхатга олинмаган ва ўз навбати кутиб турган қанчадан-қанча номоддий мерос объектларимиз мавжуд. Албатта, бу объектлар номзод сифатида илмий тадқиқ этилиши, экспертизадан ўтказилиши, мутахассислар хулосалари талаб этилади.

Шунингдек, ўрганишлар асосида бир қатор моддий маданий мерос объектларимизни сайёҳлик йўналишларига киритиш бўйича ҳам тақлифлар тайёрланиб, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига ўрганиш мақсадида тавсия этилди.

Бу борада ҳали қилинадиган ишларимиз кўп. Биринчи навбатда, тарихий-маданий меросимизга, табиот худудларига янгица назар билан қарашини талаб этилади. Халқимизнинг асраб-авайлаб келинаётган моддий ва номоддий меросини аниқлашга ҳам биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Ана шунда асрлар оша қадриятларимизни ўзида ҳам этган меросимиз тарих қаърида қолиб кетмайди, ўзининг буй-бастини намоеън этади, ўзлимизни, ўзимизга хослигимизни эслатиб туради.



ни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истиқболы бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқ. Бутун дунёда, биринчи навбатда, қўшни мамлакатларда ёна-ён яшайётган этнослар ўртасида тинчлик, оқшайишлик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тенг ҳуқуқли муносабат бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди. Шу билан бирга, бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз лозим.